



# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти  
“Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият” кафедраси  
катта ўқитувчиси **Р.Бегматов**

**АННОТАЦИЯ.** Уибу мақолада олий таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишида ўқитишининг инновацион технологияларини жорий қилиши ҳамда таълим самарадорлигини оширишининг методлари ҳақида фикр юритилган.

**АННОТАЦИЯ** В статье рассматривается использование инновационных технологий в преподавании общесвенных наук в высших учебных заведениях, внедрение современных информационных технологий в обучение и методы повышения эффективности обучения

**ANNOTATION.** This article discusses the introduction of innovative teaching technologies and methods for increasing the effectiveness of education in teaching social sciences in higher education institutions

**КАЛИТ СЎЗЛАР.** Таълим тизими, инновация, мултимедия, ахборот технологиялари, мантиқий тафаккур,

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА.** Образовательная система, инновации, мультимедиа, информационные технологии, логическое мышление,

**KEY WORDS.** Educational system, innovation, multimedia, information technology, logical thinking

Инновацион ва мултимедия технологиялари олий таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Хусусан, таълимда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини муваффақиятли қўллаш истиқболи дастурий-методик таъминотни, моддий базани такомиллаштиришда хизмат қиласди.



Бугунги кунда педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш, масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратиш, педагоглар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини, таълим жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш этишни тақозо этади.

Шунингдек, педагогик технология моҳиятини тўғри тушуниш, ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда илмий тарзда ўзлаштириш, тадбиқ этиш йўлларини қидириш ўқитувчидан ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Таълим ахборот муҳитининг кун сайин кенгаяётганлиги таълим-тарбия жараёнига давр талаби нуқтаи назаридан янгича қарашни, ўқитишининг самарали йўлларини ишлаб чиқиши талаб этади.

Бугунги кунда ижтимоий фанларни ўқитишида янги педагогик технологияларнинг барчасидан унумли фойдаланиш мумкин, мультимедиа технологиялари ўқув жараёнини бойитади ва ахборотни идрок этиш жараёнида бўлажак кадрларни фанларни ўзлаштиришда. ўрганишни янада самарали беради. Мультимедиа ва гипермедиа технологиялари кучли тақсимланган таълим ресурсларини бирлаштиради, улар энг аввало ахборот-коммуникацияни ўз ичига олган асосий ваколатларни шакллантириш ва намоён қилиш учун муҳит яратиши мумкин. Мультимедиа ва телекоммуникация технологиялари узлуксиз таълим тизимида тубдан янги методологик ёндашувларни очиб беради.

Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнини ташкил этишда, шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда янги имкониятларни очади. Таълим мутахассислари, олимлар, дастурчилар, мултимедиали ўқитиш воситалари ишлаб чиқарувчилари ва амалий ўқитувчиларнинг биргаликдаги саъйҳаракатлари янги ахборот таълим муҳитини яратади, унда таълим мазмунига, таълим усуллари ва технологияларига таълим ва ахборот ёндашувларининг интеграцияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мультимедиа технологиялари таълим жараёнида янги ахборот технологияларининг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Биринчи вазифа - билимларни ифодалашнинг шундай моделларини яратишки, унда мантиқий тафаккурга хос бўлган обьектларни ҳам, образли тафаккур фаолият кўрсатадиган расмларни ҳам монотон воситалар билан ифодалаш мумкин бўларди. Иккинчи вазифа -ҳали имкони бўлмаган инсон билимларини тасаввур қилишни танлаш учун матн тушунтирилади. Учинчиси-кузатилаётган тасвиirlардан кузатилаётган расмлар динамикаси билан яширинган механизмлар ва жараёнлар ҳақидаги гипотезани шакллантиришга ўтиш йўлларини излашдир. Ҳозирги кунда педагог олимлар, медиатаълим – талабаларга бериладиган дарс, билим, маълумотнинг тез, тушунарли ва ёдда қоларли бўлишини таъминловчи таълим усули эканини эътироф этмоқдалар. Ўқитувчининг оғзаки маъruzасидан кўра, кўргазмали воситалардан фойдаланиб тушунтиришидан кўпроқ самара беради. Ана шунда улар етказилаётган мавзуни кўпроқ ёдида сақлаб қолади. Олий таълим муассасаларида талабалардада бундай дарсларга нисбатан қизиқиш юқори даражада бўлади.[1] Медиатаълим бўлажак ўқитувчиларга таълим бериш жараёнида янгича усуллардан фойдаланишни талаб этади. Медиапедагогика – янги педагогик технология ҳисобланади, у оммавий ахборот воситалари ёрдамида талабаларни ижодий фикрлашга, тарбиялашга имкон беради. Медиапедагогика ресурсларига интернетдаги маълумотлар, телевидения, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материаллари киради.[2] Мультимедиали таълимнинг асосий хусусиятларидан бири бу таълим олувчининг қизиқишини ва билим самарадорлигини ошириш билан бирга узлуксиз таълим тизимини таъминлаш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Фараз қилайлик бирор фаннинг мультимедиали ўқув материалидаги барча мавзуларда уларни мураккаброқ ўрганиш учун бошқа бир мультимедиали дастурга гипермурожаат йўналтирилган бўлса таълим олувчи вақтдан ютган ҳолда ўзига керакли

билимларни олишга мувофақ бўлади. Бунинг учун албатта мультимедиали ўкув материалларнинг миллий базаси ва сифати талаб даражасида бўлиши лозим.

Хозирги кунга Республикаизда жуда қўплаб фанлар бўйича электрон дарслик ва ўкув қўлланмалар яратилган ва улардан ўкув жараёнида самарали фойдаланиб келинмоқда. Айниқса utube.uz, multimedia.uz интернет сайтларида жойлаштирилган электрон қўлланмалар билим олиш истагида фойдалаувчиларнинг доймий хизматида. Республикаизда а ташкил этилган “Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази” электрон таълим материалларини ёзиш, таҳрирлаш, уларга ишлов бериш ва давлат таълим стандартларига мувофиқ турли фанлардан видеороликлар ишлаб чиқишни йўлга қўйган. Бугунги кунда таълим жараёнини оптималлаштириш йўлида асосий муаммо инсонни янги билимларни эгаллаш жараёнидаги ҳолатини баҳолаш ва яхшилашдир. Бунда мультимедиали электрон таълим ресурсларни яратиша ҳисобга олиниши лозим бўлган тўртинчи тамойил - таълим олувчининг шахсий ҳусусиятларига мослаштириш тамойилидир.

Мультимедиали электрон таълим ресурсларни яратишнинг юқорида ифодаланган тамойиллари электрон таълим воситаларини сифати ва самарадорлигини оширишга имкон беради. Виртуал таълим тизими – бу онлайн курсларни ўқитувчилар томонидан тузиш, бошқариш учун яратилган web тизим ҳисобланади.[3] Шунингдек, инновацион технологияларнинг инновацион жараён, касбий фаолият ва методик тайёргарликни ривожлантирувчи восита сифатида тараққий этаётган тарих таълими йўналишига кириб келиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Тизим таълимий веб-сайт ҳамда алоҳида онлайн курсларни яратиш инструментал муҳити бўлиб, тизимда компьютер тармоқларидан таълимда фойдаланиш назарияси ва амалиёти асос қилиб олинган. Хозирда Республикаиздаги барча олий таълим муассасаларида ушбу тизимни жорий этилиши, билим самарадорлигини ошиши билан бирга мустақил таълим учун ҳам хизмат қилмоқда.[4]

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда замонавий таълим тизимида олий таълим муассаларида тарих фанини ўқитишида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради.

### Адабиётлар рўйхати.

1. Арифалиева О.Ф. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари. «Молодой учёный» международный научный журнал . № 4 (294). Январь 2020 г. С.494.
2. Ангеловски К. Учителя и инновации. Книга для учителя. –М.: Просвещение, 1991, -.19 с.
3. Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент: 2010. - 87 б. 4. Рахматуллаева Р.А.“Тарих ўқитиши методикаси” йўналиши “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиши методикаси” модули бўйича ўқув –услубий мажмуа. Тошкент-2018. 12 -б.